

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Самарқанд вилояти божхона
бошқармаси бошлиғи ўринбосари,
божхона хизмати подполковниги

И.Сейдеметов

« 13 » сентябрь 2022 год

Самарқанд вилояти «Жартепа» чегара божхона постида ўрнатиладиган
таранга қарши механик мудофаа иншоотининг техник талаблари

1. Иншоотнинг мақсад ва қўлланилиш талаблари.

1. Таранга қарши, мудофаа тўсиш иншоотлари автотранспорт воситаларининг назорат пунктдан санкцияланмаган ҳаракатига қарши жисмоний барьер бўлиб хизмат қилади.
2. Ушбу таранга қарши мудофаа тўсиш иншооти конструкцияси ўзига зарба энергиясини қабул қилган ҳолда, зарба берувчи автотранспорт воситасининг тўлиқ тўхташи, шунингдек унинг шикастланишини кафолатлаши лозим.

Таранга қарши қисмнинг талаблари.

1. Таранга қарши конструкциянинг балка қисми пўлат двутаврдан, механик йўл билан ишга тушириладиган механизм билан жихозланган бўлиши лозим.
2. Рамлари 100мм х 100мм или 80мм х 100мм ўлчамли полкали бурчакдан ясалган бўлиши лозим.
3. Иншоотнинг таранга қарши қисми учта параллель жойлашган балкадан ташкил топган бўлиб, 2 метрлик двутаврдан, ҳар бир балканинг оралик масофаси 1,5 метр, умумий узунлиги 5 метр булган ўкга жойлашган ва ушбу куч ромига роликли подшипник орқали маҳкамланган бўлиши лозим.
4. Таранга қарши балкаларинг орқа қисми мувозанатдан осон чиқариш мақсадида оғирроқ бўлиши лозим.
5. Балкага учқур шакл бериш мақсадида, двутаврлик балкаларинг ташқи қисми пастки қисмдан бошланган ва балканинг тепа қисмига қараб диагональ тарзда кетган қия кесимга эга бўлиши лозим.
6. Кўтарилиш баландлиги камида 70 см бўлиши лозим.
7. Қайтадан бетон қилинган қисмлари пўлат бурчак билан ёпилган бўлиши лозим.

Механизмнинг талаблари.

1. Иншоотнинг активация ёки деактивацияси ричаг дастагини охиригача босиш билан амалга оширилади.
2. Активация қилишда ричаг двутаврли балкалар ва қарши куч ҳисобига эркин ҳолатда, вертикал жойлашган бўлиши керак
3. Таранга қарши балкаларни тушириш натижасида, ричаг бир томонга сурилиб, стопер билан маҳкамланади.
4. Ричаг ва ўк ўзаро ттяга билан боғланган. Тяганинг умумий узунлиги 6 метргача бўлиши мумкинлиги ҳисобга олиниши лозим.
5. Агар киритилган ўзгаришлар механизмни ёки ушбу қурилмани янада мукамаллаштира, унга қўшимча ва узгартиришлар киртиш мумкин деб ҳисоблансин.
6. Ушбу иншоот сув кетиш йўли, ва (ёки) сув кетувчи қудуқ билан жихозланган бўлиши лозим.
7. Зарбага қарши мудофаа иншооти йўл қисми қопламига кесиб жойлаштириш йўли билан маҳкамланади ва актив бўлмаган ҳолда жойлашган йўл қопламининг горизонт кўринишини бузмаслиги лозим.
8. Таранга қарши мудофаа иншоотининг қисмлари ва уни қуришда фойдаланилган материаллар шундай танланган бўлиши керакки, унинг устидан кўп миқдордаги катта юк автотранспорт воситаларида ҳаракатланган тақдирда ҳам қислари деформацияга учрамаслиги лозим.

SAMARQAND VILOYATI
BOJXONA BOSHQARMASI

ICHKI № 1799/22

« 14 » 09 2022

Иншоотнинг комплектацияси.

1. Ушбу иншоот битталиқ, яъни битта ричаг битта қурилмани бошқариши, шунингдек иккиталиқ, яъни битта ричаг иккита қурилмани бошқариши мумкин.

Иншоотнинг ишлаш талаблари.

1. Иккиталиқ қурилманинг дастаги тушурилганида, иккала таранга қарши қисм тушиши лозим.

2. Битталиқ қурилманинг дастаги тушурилганида, битта таранга қарши қисм тушиши лозим.

3. Дастакнинг вертикал ҳолатга келтирилганида, иккиталиқ механизм бўлсагина, иккала таранга қарши қисм кўтарилади ва қарши оғирлик ҳисобига ушбу ҳолатда сақланади. Битталиқ механизм бўлган тақдирда, биргина таранга қарши қисм кўтарилади ва қарши оғирлик ҳисобига ушбу ҳолатда сақланиб қолади.

4. Иншоот +50 -25 Цельсий градусли об-ҳаво шароитида ҳам фаолият кўрсата олиши лозим.

Иншоотнинг рангига бўлган талаблари.

1. Иншоотнинг ҳаракатга келадиган қисмларнинг ранглари сигнал рангларда (қора-сарик, ёки оқ-қизил) бўлиши, ҳамда йўл қисмининг қоплами (йўлнинг асфальт ёки бетон қисми) ранглари билан контраст ҳосил қилиши лозим.

Бошқа характеристика ва талаблар.

1. Ишлаб чиқарувчи умумқурувчилик ишлари яъни бетон ва асфальт йўл қопламини кўпориш ҳамда бетон (камида М500) аралашмасини қўйиш каби ишларнинг ҳаражатларини умумий ҳаражатга қўшган ва ҳисобга олган бўлиши лозим.

2. Иншоотнинг ишлаши юқори интенсивликни назарда тутган бўлиши лозим.

3. Ишлаб чиқарувчи техник тадбирланинг ўтказилиш тартиби шунингдек техник тадбирларнинг даврийлигини кўрсатиб ўтган бўлиши лозим.

4. Механизмнинг кафолати камида 1 йил, умумий иншоотнинг кафолати 5 йилдан кам бўлмаслиги лозим.

Эслатма.

1. Ушбу техник талабларга чизма ва схемалар илова қилинади. Иншоотнинг баъзи бир узелларига ўзгартириш киритиш фақатгина ушбу ўзгаришлар механизмнинг ишончилигини, самаралилигини, ҳамда ушбу иншоотнинг ўз мақсадига мувофиқлигини оширган тақдирда йўл қўйилади.

Илова: 11 варақда техник чизмалари

**Ҳарбий сафарбарлик,
жанговар тайёргарлик ва кўриқлаш
бўлими бошлиғи,
божхона хизмати майори**

**Моддий техника таъминоти
бўлими бошлиғи,
божхона хизмати подполковниги**

**Молия-иқтисодиёт
бўлими бошлиғи в.б,
божхона хизмати майори**

**“Жартена” чегара божхона
пости бошлиғи в.б,
божхона хизмати майори**



И.Мадатов



У.Ходжаев



А.Санақулов



М.Жалолiddин

**Божхона назорати ва
расмийлаштирувини ташкил
этиш бўлими бошлиғи,
божхона хизмати подполковниги**




А.Курбонов


**Капитал қурилиш гуруҳи
бош инспектори,
божхона хизмати майори**





Х.Мамазияев


Противотаран устанавливаемый на улице














Внутреннее противотаранное устройство



Внутреннее противотаранное устройство



Противотаранное устройство в нерабочем положении









СХЕМА
механизма противотаранного устройства



1. Швеллер стальной гнутый равнополочный 80x40: 3,5 м.;
2. Труба стальная квадратная 60x40:
4 шт. – по 0,35 м. – 1,4 м. ;
1 шт. – 0,06 м.
3. Лист стальной 10 мм:
80x300 - 2 шт. – 0,48 кв.м. ;
50x300 – 1 шт. – 0,15 кв.м.
4. Труба металлическая Д 50 мм – 1500 мм.
5. Подшипник с внутренним диаметром 50 мм – 1 шт.
6. Подшипник с внутренним диаметром 12 мм – 3 шт.
7. Прокат стальной круглый – 5 м.
8. Пружина – 1 шт.

СХЕМА
механизма противотаранного устройства



Внешний вид двойного противотаранного устройства

ворота

